

Ноябрь ойи – “Кексалар учун туризм ойлиги”



Ойлик доирасида Термиз туманинде барча маҳаллаларда кексалар ўртасида турли маданий, спорт ва сайёхлик тадбирлари ўтказиб келинмоқда. Навбатдаги тадбирлар куни-кеча туман Маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш бўлими томонидан ташкил этилди.

Бир груп нуронийларимиз эрта тонгдан туман ҳокимлиги тадбирлар майдонида жам бўлишиб, эрталабки бадантарбия машғулотларини ўтказишиди. Шундан сўнг бир кунда беш минг қадам юриш тадбирларида иштирок этишиди ва туман ҳокимлиги томонидан ажратилган автобусда тумандаги диққатга сазовор масканларга ташриф буюришиди.

Ушбу тадбир ҳақида “Surxondaryo” МТРКнинг “Diyor” информацион дастурида лавҳа эфирга узатилди.